**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
НУКУС ФИЛИАЛИ**

СЕИДУЛЛАЕВ АБАТ КАМАЛОВИЧ

ИНТЕГРАЛ ГЕОМЕТРИЯНИНГ ПАРАБОЛАЛАР ВА СИНИҚ ЧИЗИҚЛАР ОИЛАЛАРИДАГИ МАСАЛАЛАРНИНГ МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ГЕОФИЗИКАДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

**05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УДК: 517.9

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
НУКУС ФИЛИАЛИ

СЕИДУЛЛАЕВ АБАТ КАМАЛОВИЧ

ИНТЕГРАЛ ГЕОМЕТРИЯНИНГ ПАРАБОЛАЛАР ВА СИНИҚ ЧИЗИҚЛАР ОИЛАЛАРИДАГИ МАСАЛАЛАРНИНГ МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ГЕОФИЗИКАДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

**05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2022.2. PhD/FM741 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-fizmat.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Утеулиев Ниетбай Утеулиевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Бегматов Акрам Хасанович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Нормуродов Чори Бегалиевич физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 3 декабрь соат 15^{30}даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (143 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2022 йил 21 ноябрь куни тарқатилди.
(2022 йил 25 октябрь даги 12 рақамли реестр баённомаси).

М. М. Арипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

З. Р. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

Б. Ф. Абдурахимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида математик моделлаштиришда интеграл геометрия масалаларига бағишланган изланишлар долзарб бўлиб, илм-фаннинг кўплаб соҳаларида кенг татбиққа эгадир. Интеграл геометрия масалалари тескари масалаларнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланиб, унинг масалалари амалиётда юқори аҳамиятга эга эканлиги уларни ўрганишнинг долзарблигини ифодалайди. Бундай масалалар турли амалий масалалар билан боғлиқ бўлиб, сейсмик қидирув масалаларининг математик асосини ўрганишда, геофизик ва аэрокосмик кузатувлар маълумотларини таҳлил қилишда, астрофизика ва гидроакустиканинг тескари масалаларини ечишда кенг қўлланилади. Шу сабабли сейсмик маълумотларга асосланиб, ер ости қатламларини махсус эгри чизиқлар оиласида тиклаш алгоритмлари ва амалий дастурлар мажмуасини яратиш амалий математиканинг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда қатор амалий масалаларни ечишда учрайдиган ер ости қатламларини тасвир кўринишида тиклаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, интеграл геометрия масалаларини ўрганиш математик физика ва анализнинг классик масаласи бўлиб, ҳозирги вақтда бир неча асосий йўналишларда кенг тадқиқ этилмоқда. Шу сабабли интеграл берилганларга асосланиб, махсус эгри чизиқлар оиласида турғунлиги юқори бўлган ер ости қатламларини тасвир кўринишида қайта тиклаш алгоритмларини қуриш, қулай интерфейсга эга дастурлар мажмуасини яратиш мақсадли илмий тадқиқотлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган математик физика, геология, компьютер томографияси ва геофизика соҳаларидаги масалаларнинг сонли-аналитик ечиш усулларини ишлаб чиқиш каби долзарб йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, геофизика соҳаларида қўлланиладиган интеграл геометрия масалаларини тадқиқ қилиш, Фурье анализ ва ҳисоблаш математикаси усулларини ҳисобга олган ҳолда, объектларнинг ички структураларини интеграл характеристикалари бўйича тасвир кўринишида қайта тиклаш жараёнларини автоматик равишда бошқариш бўйича муҳим натижаларга эришилди. «Функционал анализ, алгебра, дифференциал тенгламалар, математик физика, математик моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика» каби устувор йўналишлар бўйича халқаро стандартлар даражасидаги илмий изланишлар олиб бориш ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади[1]. Ушбу қарор ижросини таъминлашда объектнинг ички структураларини тиклашда интеграл геометрия усулларига асосланган математик моделлаштириш назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий- тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Интеграл геометрия усуллари функциялар, дифференциал шакллар, тензорлар ва бошқа объектларнинг турлантиришларини, маълум бир кўпхилликлар оиласидаги қисмкўпхилликлар бўйлаб интеграллар тўпламларига мос кўпхилликда берилган турлантиришларни ўрганишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Интеграл геометрия фанининг бундай тушунчаси И.М.Гельфанд ва унинг мактаби, шунингдек, С.Хелгасон асарларида шаклланган. Интеграл геометрияни геометрик эҳтимоллар назарияси маъносида тушунишдан фарқланади. И.М.Гельфанд, С.Г.Гиндикин, М.И.Граев, Н.Я.Виленкин, Г.М.Хенкин ва бошқа муаллифларнинг асарларида Радон турлантириши ва унинг ҳақиқий, комплекс, проектив фазолардаги ва доимий эгрилик фазоларидаги аналоглари ўрганилган, p-ўлчовли текисликлар учун интеграл геометрия турлантиришлари билан дифференциал шакллар турлантиришлари ўрганилган ҳамда уларнинг шу соҳаларда қўлланилиши келтирилган.

Интеграл геометрия масалалари математик физикада ва дифференциал тенгламалар учун тескари масалалар назариясида мавжуд бўлиб, улар тескари кинематик сейсмик масаласи линеаризацияси сифатида берилган. Бундай масалалар бўйича М.М.Лаврентъев, В.Г.Романов, Ю.Э.Аниконов, А.Л.Бухгейм, Акб.Ҳ.Бегматов ва бошқа муаллифлар ишларида самарали натижалар олинган. Бундай ҳолда, интеграл геометрия шакл алмаштиришидаги интеграллаш тўғри чизиқлар ёки текисликлар бўйлаб эмас, балки мураккаброқ табиатдаги эгри чизиқлар фазоси бўйлаб амалга оширилиши кўрсатилган. Қоидага кўра, бундай шакл алмаштиришлар учун аниқ формулаларни қуриш мумкин эмас ва шунинг учун ҳам тикланишнинг ягоналиги ва унинг турғунлиги тавсифлаш масалалари муҳим ўрин эгаллаган.

Сейсмик маълумотларни қайта ишлашнинг энг асосий муаммоларидан бири сигнал-шовқин нисбатини ошириш учун фойдали сигналларни йиғишдан иборатдир. Сейсмик маълумотларни қайта ишлаш учун A.M.Cormack, A.J. Harding, J.R.Thorson, J.F.Claerbout, G.Turner чизиқли Радон турлантиришларини янада ривожлантирилган. S.H.Bickel, D.Hampson, M.M.Nurul Kabir, D.J.Verschuur, E.Maelandларнинг ишларида объектнинг қўзғалиши ва кўрилаётган сигналининг хусусиятларига қараб махсус параболик ва гиперболик Радон шакл алмаштиришларидан фойдаланилган. Бугунги кунда мамлакатимизда интеграл геометрия ва корректмас масалалар билан тавсифланадиган жараёнларни математик моделлаштириш ва уларни сонли усуллар ёрдамида тақрибий ечиш муаммолари Ш.А.Алимов, К.Фаязов, Акр.Ҳ.Бегматов, Б.Абдурахимов, А.Хасанов, Н.У.Утеулиев, Г.М.Джайков, З.Очиловлар томонидан ўрганилмоқда ва салмоқли назарий, амалий натижаларни қўлга киритилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялар университети Нукус филиали илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФЗ-2019081578 рақамли “Оралбуйи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экологик вазиятлар таъсирини аниқлаш мониторингини юритишнинг дастурий таъминоти” мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сейсмик маълумотларни қайта ишлаш ва тиклаш масалаларини ечиш учун математик моделларни ишлаб чиқиш, сонли ечиш усуллари ва алгоритмларини қуришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

синиқ чизиқлар оиласидаги интеграл геометрия масаласи учун ечимнинг мавжудлиги, ягоналиги, турғунлиги теоремалари исботлаш ва унинг аниқ инверсия формуласи олиш ва шу формула асосида сейсмик маълумотларни қайта тиклаш масалалари сонли ечиш;

сейсмик интеграл маълумотлар хатолик билан берилганда Тихонов ва Лаврентьев регуляризациялар ёрдамида ҳисоблаш алгоритмлари қуриш ва сейсмограммани қайта тиклаш масаласин сонли ечиш;

параболалар оиласидаги интеграл геометрия масалалари учун ечимнинг ягоналиги ва турғунлиги теоремалари исботлаш ва Фурье образи учун ечимнинг аниқ инверсия формуласи олиш;

параболалар оиласидаги интеграл геометрия масаласи ечимининг биринчи ўзгарувчи бўйича Фурье образи топиш ва Тихоновнинг корректмас масалаларнинг регуляризацияси назариясига асосланиб, аниқ ечимига яқинлашувчи ечимлар кетма-кетлиги қуриш.

Тадқиқотнинг объекти интеграл маълумотлар, маълум математик фантомлар, алгоритмик ва дастурий таъминотлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети сейсмик маълумотларни қайта ишлаш учун математик моделлар ҳамда мос алгоритмик ва дастурий таъминотни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида корректмас масалаларни ечиш назарияси, интеграл тенгламалар, функционал анализ, ҳисоблаш усуллари, математик моделлаштириш ва объектга йўналтирилган дастурлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

синиқ чизиқлар оиласидаги интеграл геометрия масаласи учун ечимнинг мавжудлиги, ягоналиги, турғунлиги теоремалари исботланган ва аниқ инверсия формуласи олинган ва шу формула асосида сейсмик маълумотларни қайта тиклаш масалалари сонли ечилган;

сейсмик интеграл маълумотлар хатолик билан берилганда Тихонов ва Лаврентьев регуляризациялар ёрдамида ҳисоблаш алгоритмлари қурилган ва сейсмограммани қайта тиклаш масаласи илк бор сонли ечилган;

параболалар оиласидаги интеграл геометрия масалалари учун ечимнинг ягоналиги ва турғунлиги теоремалари исботланган ва Фурье образи учун аниқ инверсия формуласи олинган;

параболалар оиласидаги интеграл геометрия масаласи ечимининг биринчи ўзгарувчи бўйича Фурье образи топилган ва Тихоновнинг корректмас масалаларнинг регуляризацияси назариясига асосланиб, аниқ ечимига яқинлашувчи ечимлар кетма-кетлиги қурилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сейсмик қидирув масалаларида олинган сейсмограммани қайта тиклашда интеграл геометрия масалаларини синиқ чизиқлар оиласида илк бор сонли ечиш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

параболалар оиласидаги интеграл геометрия масалаларида интеграл маълумотлар хатолик билан берилганда масалани регуляризация ёрдамида сонли ечиш учун дастурлар мажмуи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий тасдиқларнинг исботи, ишлаб чиқилган алгоритмларнинг таҳлили ва сонли тажриба натижалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интеграл геометрия усулларидан фойдаланиб, интеграл берилганлар бўйича функцияларни тиклаш теоремалари исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти геофизика соҳаларида юзага келадиган интеграл берилганлар бўйича қайта тиклаш масалаларини сонли ечишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Синиқ чизиқлар ва параболалар оилаларида интеграл геометриянинг масалаларини сонли ва аналитик ечиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сейсмик маълумотларни қайта ишлаш учун ишлаб чиқилган дастурий мажмуадан Устюрт геофизика экспедициясида тасвир кўринишидаги фойдали геологик ва геофизик маълумотларни қайта ишлаш учун фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси “Ўзбекгеофизика” АЖнинг 2022 йил 1 июндаги 01-894-сон маълумотномаси).

Илмий натижаларнинг қўлланилиши сейсмик маълумотларни қайта ишлаш ва улардан фойдали маълумотларни ажратиб олиш имконини берган;

интеграл геометриянинг синиқ чизиқлар ва параболалар оиласи масалаларига оид назарий натижалардан “Ностационар чегаравий масалларни сонли ечишнинг математик саволлари” мавзусидаги фундаменталь лойиҳада ностационар чегаравий масалаларни ечишда фойдаланилган (Қорақалпоқ давлат университетининг 2022 йил 3 июндаги 01-22-04/263-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ностационар чегаравий масалалар ечимларининг ягоналиги ва турғунлигини исботлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 12 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 4 таси хорижий, 3 таси республика журналларида нашр этилган. 1 та дастурий маҳсулотга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 95 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«Интеграл геометрия ва унинг сейсморазведка ишларида қўлланилиши»** бобида интеграл геометрия масаласининг қўйилиши, мавзу бўйича тадқиқот ва адабиётларнинг қисқача таҳлили, шунингдек ўрганиш натижаларини муҳокама қилиш учун зарур бўлган асосий тушунчалар ва ёрдамчи тасдиқлар келтирилган.

Фараз қилайлик, $x \in R^n$, $x = (x_1, \dots x_n)$, $y \in R^m$, $y = (y_1, \dots, y_m)$, $S(y)$ – R^n соҳада берилган m ўлчовли y параметрга боғлиқ эгри чизиқлар оиласи, $\dim S = p$; $u(x)$ – бирор $D \subset R^n$ соҳада аниқланган функция; $\rho(x, y)$ – x, y эркли ўзгарувчили функция; $\omega(y)$ – $S(y)$ эгри чизиқлар оиласининг ўлчами.

Қўйидаги тенгликни қарайлик:

$$\int\limits_{S(y)} \rho(x,y)u(x)d\omega = f(y). \qquad (1)$$

Интеграл геометрия математиканинг бир қисми бўлиб, (1) формулага кирувчи элементлар орасидаги ўзаро ҳар хил боғлиқликлар ўрганилади.

(1) тенгламани $u(x)$ функцияга нисбатан чизиқли оператор кўринишидаги тенглама деб қараймиз. Интеграл геометриянинг классик оператори – Радон шакл алмаштиришидир. У $u(x)$ функцияни барча мумкин бўлган гипертекисликлар устидаги интеграллар билан боғлайди.

Кўпгина амалий масалалар интеграл геометрия масалаларига олиб келинади, хусусан у сейсмик маълумотлар, физик муҳитнинг шаффофлиги, рентген тасвирларини интерпретациялашда қўлланилади.

М.М.Лаврентьев ва В.Г.Романовларнинг ишларига асосланиб, интеграл геометриянинг энг муҳим хусусиятларини санаб ўтамиз. Бу, биринчидан, функцияларнинг муайян синфида (1) тенглама ечимининг ягоналиги масаласидир. Иккинчидан, ечимнинг турғунлигини баҳолаш. Интеграл геометриядаги масалаларнинг кенг синфларида юқори даражада турғун бўлмаган масалалар мавжудлигини ҳисобга олсак, шартли турғунликни баҳолаш ҳам катта аҳамиятга эга. Изланаётган функцияни қайта тиклаш жараёнини ишлаб чиқиш масаласи: бу умумий ҳолда бу учун самарали ҳисоблаш алгоритмларини яратиш, хусусан регуляризацияни қуриш талаб қилинади. Алоҳида қизиқишни, албатта, ўтиш формулаларини ошкор кўринишда, яъни $f(y)$ функция орқали $u(x)$ функцияни ифодаловчи аналитик ифодаларни топиш уйғотади. Афсуски, бу фақат алоҳида ҳолларда мумкин, қоида тариқасида, бу ҳолда кўпхилликлар ва вазн функциялари автоморфизмларининг етарлича бой гуруҳига эга бўлган фазони ўзига акслантиришда ўзгармас деб ҳисобланади. Ва ниҳоят, масаланинг ечимини, шунингдек (1) формуладаги каби ифодаланувчи $f(y)$ функция қаноатлантириши керак бўлган зарурий ва етарли шартларни топиш.

Диссертациянинг иккинчи «**Параболалар ва синиқ чизиқлар оилалари бўйича интеграл геометрия масалаларини математик моделлаштириш**» бобида интеграл геометриянинг синиқ чизиқлар ва параболалар оилаларидаги масалалари келтирилган. Синган чизиқлар оиласига тегишли масала учун ўнг томон орқали ифодаланадиган аниқ ечими олинган, шунингдек, масаланинг Соболев фазосида турғунлиги ва ечимнинг мавжудлиги теоремалари исботланган. Интеграл геометриянинг параболалар оиласи учун иккита масала кўриб чиқилган. Биринчи масала вазн функцияси $g(x,y) = \mathrm{sgn}(x-\xi)$ бўлганда параболанинг икки томонга тармоқланган чизиқлар бўйича интеграланнадиган масалага келтирилган. Бу масала учун ечимнинг турғунлиги баҳоланиб, унинг асосида ечимнинг ягоналиги исботланган. Иккинчи масала вазн функцияси бирга тенг бўлганда Вольтеррнинг иккинчи тур масаласига олиб келиниб, унинг ечимининг ягоналиги исботланган. Бу масалалар қатъий корректмас масалалар бўлгани учун регуляризация масаласи ҳам кўриб чиқилган. Бу регуляризация масалалари учун ўнг томон орқали ифодаланадиган аниқ ечим, шунингдек турғунлик баҳоси олинган.

2.1-масала. $L_H = \{(x,y): x \in R^1, 0 \le y \le H, H < \infty\}$ соҳада $\Gamma(x,y) = \{(\xi,\eta): y - \eta = |x - \xi|, 0 \le y \le H\}$ эгри чизиқлар оиласи бўйича интеграли

$$\int\limits_{\Gamma(x,y)} g(x,y)u(\xi,\eta)d\xi = f(x,y) \qquad (2)$$

маълум бўлган $g(x,y) = \mathrm{sgn}(x-\xi)$ вазн функцияси учун икки ўзгарувчили $u(x,y)$ функцияни тикланг.

2.2-масала. L_H соҳада интегралларнинг

$$\int\limits_{\Gamma_4(x,y)} g(x,\xi)u(\xi,\eta)d\xi + \int\limits_0^y \int\limits_{x-h}^{x+h} K(x,y,\xi,\eta)u(\xi,\eta)d\xi d\eta = \mathbb{F}(x,y) \qquad (3)$$

кўринишидаги йиғиндиси маълум бўлган икки ўзгарувчили $u(x,y)$ функциясини тикланг. Бу ерда $h = y - \eta$.

2.1-масала интеграл геометриянинг интеграл тенгламасининг Вольтерр туридаги масаласи бўлса, 2.2-масала қўзғалишли интеграл геометрия масаласига мос келади.

Теорема 2.1. *Агар $f(x,y)$ функция барча $(x,y) \in L_H$ учун аниқланган, вазн функцияси эса $g(x,\xi) = \mathrm{sgn}(x-\xi)$ кўринишга эга бўлса, у ҳолда L_H соҳада финит ташувчига эга икки марта узлуксиз дифференциалланувчи функциялар синфида 2.1-масаланинг ечими*

$$u(x,y) = \frac{1}{2}\int\limits_{-\infty}^{x} \left(\frac{\partial^2}{\partial \xi^2} - \frac{\partial^2}{\partial y^2} \right) f(\xi,y)d\xi \qquad (4)$$

формула асосида ягона тарзда $f(x,y)$ функцияси бўйича ифодаланади ва у

$$\|u(x,y)\|_{W_2^{1,0}} \le C_1 \|f(x,y)\|_{W_2^{2,2}}$$

тенгсизликни қаноатлантиради. Бу ерда C_1 – ўзгармас мусбат сон.

Теорема 2.2: *Айтайлик, $f(x,y)$ функция барча $(x,y) \in L_H$ учун аниқланган ва қуйидаги шартларни қаноатлантирсин:*

1) $f(x,y)$ функция x ўзгарувчиси бўйича финит функция;

2) $f(x,y)$ функция иккинчи тартибгача узлуксиз барча хусусий ҳосилаларга эга бўлсин;

3) L_H соҳа чегараларида, яъни $y = 0$ ва $y = H$ да $f(x,y)$ функцияси ўзининг иккинчи тартибгача бўлган барча хусусий ҳосилалари билан нолга тенг бўлсин.

У ҳолда (4) *формула x аргументи бўйича финит функция бўлган икки марта дифференциалланувчи узлуксиз функциялар синфида 2.1- масаланинг ечими мавжуд.*

Теорема 2.3. *Агар вазн функцияси* $g(x,\xi)=\operatorname{sgn}(x-\xi)$ *кўринишга эга бўлса,* $K(x,y,\xi,\eta)$ *финит функция* $\Gamma(x,y)$ *эгри чизиқ устида ўзининг иккинчи тартиблигача бўлган барча хусусий ҳосилалари билан нолга тенг бўлса, у ҳолда 2.2-масаланинг ечими икки марта дифференциалланувчи финит функциялар синфида ягона бўлади ва у учун қуйидаги тенгсизлик ўринли*

$$\|u(x,y)\|_{W_2^{1,0}}\le C_2\|\mathbb{F}(x,y)\|_{W_2^{2,2}},$$

бу ерда C_2 *– ўзгармас мусбат сон.*

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$L_H=\{(x,y):x\in(-\infty;\infty),0\le\eta\le y\le H,H<\infty\},$$
$$\overline{L_H}=\{(x,y):x\in[-\omega;\omega],0\le\eta\le y\le H,H<\infty\},$$
$$\Omega_G=\{(x,y):x\in(-\infty;\infty),0\le y\le\eta\le G,G<\infty\},$$
$$\overline{\Omega_G}=\{(x,y):x\in[-\omega;\omega],0\le y\le\eta\le G,G<\infty\}.$$

2.3-масала. L_H соҳада $\left\{\Upsilon(x,y)=\left\{(\xi,\eta):\ x-\xi=\sqrt{y-\eta},\ 0\le\eta\le y\right\}\right\}$ эгри чизиқлар оиласи бўйича

$$\int_{\Upsilon(x,y)}u(\xi,\eta)d\xi=f(x,y) \tag{5}$$

интеграл қиймати маълум бўлса, у ҳолда икки ўзгарувчили $u(x,y)$ функцияни тикланг.

2.4-масала. Ω_G соҳада $\left\{\Lambda(x,y)=\left\{(\xi,\eta):\ x-\xi=\sqrt{\eta-y},\ y\le\eta\le G\right\}\right\}$ эгри чизиқлар оиласи бўйича

$$\int_{\Lambda(x,y)}u(\xi,\eta)d\xi=f(x,y) \tag{6}$$

интеграл маълум бўлган икки ўзгарувчили $u(x,y)$ функцияни тикланг.

Лемма 2.1. Фараз қилайлик, $f(x,y)$ функция икки марта узлуксиз дифференциалланувчи ва L_H соҳада финит бўлсин. У ҳолда L_H соҳада икки марта узлуксиз дифференциалланувчи финит функциялар синфига тегишли (5) тенгламанинг ечими ягона ва у учун қуйидаги муносабат ўринли:

$$\hat{u}(\lambda,y)=\frac{1}{\pi}\frac{\partial}{\partial y}\int_0^y\frac{ch\left(\lambda\sqrt{y-\eta}\right)}{\sqrt{y-\eta}}\hat{f}(\lambda,\eta)d\eta. \tag{7}$$

Теорема 2.4. *Айтайлик,* $f(x,y)$ *функция* L_H *соҳада аниқланган бўлсин. (7) тенглама учун* $R(u,\alpha)=\mathcal{F}^{-1}\left[\hat{u}\ e^{-\alpha_1^2\lambda^2}\right]$ *регуляризация операторини ташкил этсин. У ҳолда* L_H *соҳанинг* $\bar{L}_H$ *тўртбурчак ташувчига эга узлуксиз, икки марта дифференциалланувчи финит функциялар синфида 2.3- масаланинг ечимини*

$$u_{\alpha_1}(x,y)=\frac{1}{2\alpha_1\sqrt{\pi^3}}\frac{\partial}{\partial y}\int_0^y\int_{-\infty}^{+\infty}e^{\frac{y-\eta-(x-\xi)^2}{4\alpha_1^2}}\cos\frac{(x-\xi)\sqrt{y-\eta}}{2\alpha_1^2}\frac{f(\xi,\eta)}{\sqrt{y-\eta}}d\xi d\eta$$

ташкил этади ва у учун қўйидаги тенгсизлик ўринли:

$$\left\|u_{\alpha_1}-u\right\|_{L_2\left(\overline{L_H}\right)}\le C_3\alpha_1^2\|f\|_{L_2\left(\overline{L_H}\right)}$$

бу ерда α_1 *–регуляризация параметри;* C_3 *– мусбат ўзгармас сон.*

Лемма 2.2. Фараз қилайлик, $f(x,y)$ функция икки марта узлуксиз дифференциалланувчи ва Ω соҳада финит бўлсин. У ҳолда Ω соҳада икки марта узлуксиз дифференциалланувчи финит функциялар синфига тегишли (6) тенгламанинг ечими

$$\hat{u}(\lambda,y)=-\frac{1}{\pi}\frac{\partial}{\partial y}\int_y^H\frac{ch\left(\lambda\sqrt{\eta-y}\right)}{\sqrt{\eta-y}}\hat{f}(\lambda,\eta)d\eta \qquad (8)$$

ягонадир.

Теорема 2.5. *Айтайлик,* $f(x,y)$ *функция* Ω_G *соҳада аниқланган бўлсин. (8) тенглама учун* $R(u,\alpha)=\mathcal{F}^{-1}\left[\hat{u}\,e^{-\alpha_2^2\lambda^2}\right]$ *регуляризация оператори мавжуд. У ҳолда* Ω_G *соҳанинг* $\bar{L}_H$ *тўртбурчагида ташувчига эга икки марта узлуксиз дифференциалланувчи финит функциялар синфида 2.4-масаланинг ечими*

$$u_{\alpha_2}(x,y)=-\frac{1}{2\alpha_2\sqrt{\pi^3}}\frac{\partial}{\partial y}\int_y^G\int_{-\infty}^{+\infty}e^{\frac{\eta-y-(x-\xi)^2}{4\alpha_2^2}}\cos\frac{(x-\xi)\sqrt{\eta-y}}{2\alpha_2^2}\frac{f(\xi,\eta)}{\sqrt{\eta-y}}d\xi d\eta$$

га тенг ва у қуйидаги тенгсизликни бажаради:

$$\left\|u_{\alpha_2}-u\right\|_{L_2\left(\overline{\Omega_G}\right)}\le C_4\alpha_2^2\|f\|_{L_2\left(\overline{\Omega_G}\right)},$$

бу ерда α_2 *–регуляризация параметри;* $\mathcal{F}^{-1}$ *– тескари шакл алмаштириш;* C_4 *– мусбат константа.*

Диссертациянинг учинчи "**Параболалар ва синиқ чизиқлар оилаларида интеграл геометрия масаласининг сонли ечимларини топиш**" бобида синиқ чизиқлар оиласида ечимни топишнинг сонли алгоритми ва Тихонов регуляризацияси ёрдамида шовқинли интеграл маълумотли масаланинг ечимини топишнинг алгоритми яратилган. А.Н.Тихоновнинг корректмас масалаларни регуляризация қилиш ғоясидан келиб чиқиб, параболалар оиласида аниқ ечимга мос тақрибий ечимлар кетма-кетлиги қурилган.

2.1-масалани сонли ечиш усулини кўриб чиқамиз. Масаланинг аниқ ечими қўйидаги кўринишга эга:

$$u(x,y)=\frac{1}{2}\int_{-\infty}^{x}\left(\frac{\partial^2}{\partial\xi^2}-\frac{\partial^2}{\partial y^2}\right)f(\xi,y)d\xi.$$

Тўғри бурчакли $D=[-1;1]\times[0;2]$ соҳада ўзгармас қадамли тўрни киритамиз. Мазкур тўғри тўртбурчакда масаланинг тақрибий ечимини қидирамиз.

Масалани ечиш алгоритми

1-қадам. Ox ўқидаги $[-1,1]$ кесмани ва Oy ўқидаги $[0,2]$ кесмани мос равишда n_x-1 ва n_y-1та тенг бўлакларга бўламиз, $x_i=-1+(i-1)h_x$, $y_j=(j-1)h_y$, $N=n_x=n_y$ белгилашларни киритамиз.

2-қадам. $u(x_i,y_j)$ функциянинг тақрибий қийматларини белгилаймиз:

$$u^A(x_i,y_j)=\int_{-1}^{x_i}F(\xi,y_j)d\xi, \tag{9}$$

бу ерда $F_{ij}=\dfrac{f_{i+1j}-2f_{ij}+f_{i-1j}}{2\sqrt{2}h_x{}^2}-\dfrac{f_{ij+1}-2f_{ij}+f_{ij-1}}{2\sqrt{2}h_y{}^2}$.

1-жадвал

Шепп-Логан фантоми берилганлари

Эллипс	**Маркази**	**Катта ўқи**	**Кичик ўқи**	**Эллипсни буриш бурчаги γ**	**Зичлик ρ**
1	(0,0)	0.69	0.92	0	2
2	(0,–0.0184)	0.6624	0.874	0	–0.98
3	(0.22,0)	0.11	0.31	18°	–0.02
4	(–0.22,0)	0.16	0.41	8°	–0.02
5	(0,0.35)	0.21	0.25	0	0.01
6	(0,0.1)	0.046	0.046	0	0.01
7	(0,–0.1)	0.046	0.046	0	0.01
8	(–0.08,–0.605)	0.046	0.023	0	0.01
9	(0,–0.605)	0.023	0.023	0	0.01
10	(0.06,–0.605)	0.023	0.046	0	0.01

Юқорида тавсифланган функцияни таклиф этилган алгоритмлар асосида тиклаш учун C++ дастурлаш тилида дастурлар пакети ишлаб чиқилди. Алгоритмлар маркази ва ярим ўқлари билан берилган 10 та эллипс мисолида синовдан ўтказилди. Бу мисолда маркази координата бошидан бошқа нуқтада жойлашган эллипслар қуйидаги шакл алмаштиришлар ёрдамида аниқланди:

$$x'=(x-x_0)\cos\gamma+(y-y_0)\sin\gamma,\ y'=(x-x_0)\sin\gamma+(y-y_0)\cos\gamma,$$

$$f\left(x,y\right)=\begin{cases}\rho,\ агар\ \dfrac{x'^2}{a^2}+\dfrac{y'^2}{b^2}\le 1,\\ 0,\ агар\ \dfrac{x'^2}{a^2}+\dfrac{y'^2}{b^2}>0.\end{cases}$$

Ушбу модель қайта тиклаш учун ўта мураккаб объектдир, чунки у ёпиқ қобиқ ичида жойлашган кўплаган ўзаро кесишувчи соҳаларини ўз ичига олади. Натижалар 1-жадвалда келтирилди. Унда зичлик деганда берилган эллипснинг ранги тушинилади.

Сонли ҳисоблаш натижаларини қуйида келтирилган 2-жадвал ва 1-расмда кўрса бўлади.

2-жадвал

***N* нинг ҳар хил қийматларидаги нисбий хатоликлар**

N	64	128	256	512
$\sqrt{\dfrac{\left(u^A\left(x_i,y_j\right)-u\left(x_i,y_j\right)\right)^2}{u^2\left(x_i,y_j\right)}}$	0.34083	0.226749	0.155605	0.109906



1-расм. Тасвирни тиклаш. а) оригинал тасвир; б) $N=128$ бўлганда тиклаш; в) $N=512$ бўлганда тиклаш

2.1-масаладаги икки ўзгарувчили $u\left(x,y\right)$ функциянинг тикланишини кўриб чиқайлик. Агар (2) тенгламанинг ўнг қисми баъзи бир хатолик билан тақрибий берилган бўлса, у ҳолда (4) формуладан фойдаланиш қўпол хатоликка олиб келади.

(2) тенгламанинг аниқ ечими қўйидаги кўринишга эга:

$$u\left(x,y\right)=\frac{1}{2\sqrt{2}}\int_{-\infty}^{x}\left(\frac{\partial^2}{\partial\xi^2}f^{\delta}\left(\xi,y\right)-\frac{\partial^2}{\partial y^2}f^{\delta}\left(\xi,y\right)\right)d\xi.$$

Айтайлик, $u(x,y)$ функция $[0;1]\times[0;1]$ квадратда аниқланган бўлсин. Сонли ечимни мазкур квадратда қидирамиз. Интеграл ости ифодаларини қўйидагича белгилаймиз:

$$\psi\left(x,y_j\right)=\frac{\partial^2}{\partial x^2}f^{\delta}\left(x,y_j\right),\;\; \varphi\left(x_i,y\right)=\frac{\partial^2}{\partial y^2}f^{\delta}\left(x_i,y\right).$$

Дифференциаллаш масаласини биринчи тур Вольтерр тенгламаси кўринишида ёзиш мумкин:

$$\int_0^1 K(x,s)\psi(s,\cdot)ds=f^{\delta}(x,\cdot)-f^{\delta}(a,\cdot), \tag{10}$$

$$K(x,s)=\begin{cases}(1-s)x, & 0\le x\le s,\\ (1-x)s, & s\le x\le 1.\end{cases}$$

Ox ўқида $[0;1]$ кесмани ва Oy ўқидаги $[0;1]$ кесмани мос равишда n_x-1 ва n_y-1 бўлакларга бўламиз: $x_i=(i-1)h_x, y_j=(j-1)h_y$. $N=n_x=n_y$ белгилаш киритамиз.

Тўрда дискретлаш ва квадратура формулалари бўйича интеграл тенгламани аппроксимациялашдан сўнг (8) тенглама мусбат аниқланган матрицали чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечишга келади.

$$(x_i-1)\int_0^1 s\psi(s,\cdot)ds+x_i\int_0^1(1-s)\psi(s,\cdot)ds=f^{\delta}(x,\cdot)-f^{\delta}(a,\cdot). \tag{11}$$

Трапеция усулидан фойдаланиб, $\left(\psi_1,\psi_2,...,\psi_{n_x-1}\right)$ компонентали ψ векторга нисбатан (9) тенгламалар системасини қўйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$A_h\psi=\tilde{f}^{\delta}, \tag{12}$$

бу ерда $\tilde{f}^{\delta}=f^{\delta}(x,\cdot)-f^{\delta}(0,\cdot)$.

Шундай қилиб, (12) масала корректмас масала синфига тегишили бўлганлиги сабабли, тенгламани дискретлаштириш натижасида ҳосил бўлган ЧАТС ёмон шартлашган ҳисобланади ва уни ечишда қўйидаги иккита усулдан фойдаланамиз.

Тихонов усули:

$$\left(A_h^T A_h+\alpha_x E\right)\psi=A_h^T\tilde{f}^{\delta}, \qquad \psi=\left(A_h^T A_h+\alpha_x E\right)^{-1}A^T\tilde{f}^{\delta}, \tag{13}$$

Лаврентьев усули:

$$\left(A_h+\alpha_x E\right)\psi=\tilde{f}^{\delta}, \qquad \psi=\left(A_h+\alpha_x E\right)^{-1}\tilde{f}^{\delta}, \tag{14}$$

бу ерда α_x – регуляризация параметри; E – бирлик матрица.

α регуляризация параметрини танлаш жараёнини тавсифлаймиз. Дастлаб α нинг бирор бир қийматлари тўплами берилсин:

$$\alpha_i = \left(\frac{1}{2}\right)^i \alpha_{i-1}, \ \ \alpha_0 = 1, \ i = 1,2,3,...$$

α_x қийматлар қатори учун (13) ва (14) ЧАТС ечилади. Ечим хатолигига нисбатан қуйидагини топамиз:

$$\varepsilon(\alpha_x) = \left\|\psi_{ij}^{\alpha_x} - \psi_{ij}\right\|_{L_2} / \left\|\psi_{ij}\right\|_{L_2} \to \min.$$

Сўнгра (13) ва (14) формулалар бўйича $\psi^{\alpha_{opt,x}}$ топилади. Шу каби қўйидаги тенглама

$$\int_0^1 K(y,\tau)\varphi(\cdot,\tau)d\tau = f^{\delta}(\cdot,y), \ \ K(y,\tau) = \begin{cases}(1-\tau)y, \ 0 \le y \le \tau, \\ (1-y)\tau, \ \tau \le y \le 1,\end{cases}$$

ҳам ечилиб,

$$\varphi = \left(B^T B + \alpha_y E\right)^{-1} B^T \tilde{f}^{\delta}, \ \ \varphi = \left(B + \alpha_y E\right)^{-1} \tilde{f}^{\delta}$$

аниқланди. Натижада (2) тенглама ечими

$$u\left(x_i, y_j\right) = \frac{1}{2\sqrt{2}} \int_0^{x_i} \left(\psi\left(\xi, y_j\right) - \varphi\left(\xi, y_j\right)\right) d\xi \qquad (15)$$

формула тарзида топилди.

Тавсифланган усул бўйича алгоритмларнинг сифатини текшириш учун Тихонов ва Лаврентьев регуляризация усулларини қўллашда тасодифий шовқиннинг объектнинг ички тузилишини тиклаш хатосига таъсирини аниқлаш учун ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди.

Сонли ҳисоблаш натижаси билан таққослаш учун синов тариқасида $f(x,y) = 2xy^2 - \frac{1}{3}xy^4$ функциядан фойдаланилди. Қўйида Тихонов ва Лаврентьев регуляризация усулларининг нисбий хатосини кўрсатадиган жадвалларни келтирамиз.

3-жадвал

Функцияни $\alpha = 10^{-6}$ қийматида 10% шовқин билан қайта тиклаш

$\left\|u_{ij}^{\alpha} - u_{ij}^{T}\right\| / \left\|u_{ij}^{T}\right\|$	$N = 64 \times 64$	$N = 128 \times 128$	$N = 256 \times 256$
Тихонов регуляризацияси	0,248898	0,247558	0,212097
Лаврентьев регуляризацияси	0,105565	0,056436	0,029475

4-жадвал

Функцияни $\alpha=10^{-6}$ қийматида 5% шовқин билан қайта тиклаш

$\left\|u_{ij}^{\alpha}-u_{ij}^{T}\right\| / \left\|u_{ij}^{T}\right\|$	$N=64\times 64$	$N=128\times 128$	$N=256\times 256$
Тихонов регуляризацияси	0,248154	0,211112	0,210622
Лаврентьев регуляризацияси	0,106586	0,057289	0,029807



2-расм. Функциянинг асли



3-расм. Қайта тиклаш натижаси

2.3-масалани ечишнинг алгоритмини келтирамиз.

1-қадам. Ox ўқида $[a,b]$ кесмани ва Oy ўқида $[c,d]$ кесмани мос равишда n_x-1 ва n_y-1 тенг бўлакларга бўламиз ва $x_i=a+(i-1)h_x,\ \ y_j=b+(j-1)h_y$ тўрни киритамиз.

2-қадам. $u(x_i,y_j)$ функциясининг тақрибий қийматларини

$$u_{\alpha_1}(x_i,y_j)=\frac{G_{ij+1}-G_{ij-1}}{4\alpha_1 h_y\sqrt{\pi^3}} \tag{15}$$

формула асосида топамиз. Бу ерда

$$G_{ij}=\int_{0}^{y_j}\int_{-1}^{1} e^{\frac{y_j-\eta-(x_i-\xi)^2}{4\alpha_1^2}}\cos\frac{(x_i-\xi)\sqrt{y_j-\eta}}{2\alpha_1^2}\frac{f(\xi,\eta)}{\sqrt{y_j-\eta}}d\xi d\eta,$$

α_1 – регуляризация параметри.

α_1 регуляризация параметрини танлаш жараёнини тавсифлаймиз. Биринчидан α нинг аниқланган қийматлар қатори берилсин:

$$\alpha_i=\theta\alpha_{i-1},\ \ 0<\theta<1,\ i=1,2,3,\ldots,m. \tag{16}$$

u_{α_i} ечимининг хатолигига нисбатан топамиз:

$$\varepsilon(\alpha_1)=\left\|u_{ij}^{T}-u_{ij}^{\alpha_1}\right\| / \left\|u_{ij}^{T}\right\|\rightarrow \min. \tag{17}$$

Сонли ҳисоблаш натижаси билан таққослаш учун синов тариқасида

$$u(x,y)=\left(1-x^2\right)\left(y^2-\frac{2}{5}y\right)$$

функциясидан фойдаланамиз.

Тўғри бурчакли $D=\left[-1;1\right]\times\left[0;0,5\right]$ соҳада тенг қадамли тўрни киритамиз. Алгоритм натижалари қўйидаги расмларда келтирилган.



4-расм. Аниқ маълумотлар



5-расм. Тақрибий маълумотларни тиклаш. $\alpha_1=0,125$

Қўйида (17) формулага асосланиб оптимал регуляризация параметрин танлаш графигини юқорида келтирилган масала учун келтирамиз.



6-расм. $n_x=n_y=41$ **бўлганда оптимал** α_1 **ни танлаш**

2.4-масаласини ечишнинг алгоритмини келтирамиз.

1-қадам. Ox ўқида $\left[a,b\right]$ кесмани ва Oy ўқида $\left[c,d\right]$ кесмани мос равишда n_x-1 ва n_y-1 тенг бўлакларга бўлиб, $x_i=a+\left(i-1\right)h_x,\ y_j=b+\left(j-1\right)h_y$ ларни киритамиз.

2-қадам. $u\left(x_i,y_j\right)$ функциясининг тақрибий қийматларини

$$u_{\alpha_2}\left(x_i,y_j\right)=-\frac{F_{ij+1}-F_{ij-1}}{4\alpha_2 h_y\sqrt{\pi^3}}, \tag{18}$$

формула билан топамиз. Бу ерда

$$F_{ij} = \int_{y_j}^{d} \int_{a}^{b} e^{\frac{\eta - y_j - (x_i - \xi)^2}{4\alpha_2^2}} \cos \frac{(x_i - \xi)\sqrt{\eta - y_j}}{2\alpha_2^2} \frac{f(\xi, \eta)}{\sqrt{\eta - y_j}} d\xi d\eta ,$$

α_2 – регуляризация параметри.

α_2 регуляризация параметри (16) – (17) схема бўйича танланади. Сонли ҳисоблаш натижаси билан таққослаш учун модель тариқасида

$$u(x, y) = (x^2 - 1)\left(y^2 - \frac{y}{2}\right)$$

функциясидан фойдаланамиз.

Тўғри бурчакли $D = [-1;1] \times [0,5;1]$ соҳада тенг қадамларда олинган натижалар қўйидаги расмларда келтирилган.



7-расм. Аниқ маълумотлар



8-расм. Тақрибий маълумотларни тиклаш. $\alpha_2 = 0{,}125$



9-расм. $n_x = n_y = 41$ **бўлганда оптимал** α_2 **ни танлаш**

(9), (14), (15), (18) формулалар бўйича ишлаб чиқилган сонли алгоритмлар асосида интеграл маълумотларни моделлаштириш, моделли ва реал интеграл маълумотлар бўйича тасвирларнинг сейсмик маълумотларини қайта ишлашга мўлжалланган дастурий восита яратилди.

Дастур C# тилида Microsoft Visual Studio 2017 муҳитида ишлаб чиқилган. Дастлаб маълумотлар дастурнинг меню панелидаги маълумотларни юклаш тугмаси ёрдамида юкланади. Кейин кичик ойнада кўрсатилган усуллардан бири ёрдамида маълумотларни тиклайди.



8-расм. Синиқ чизиқлар оиласи учун сейсмик маълумотларни қайта ишлаш натижаси

8-расмнинг чап томонида сейсмик қайдларнинг сейсмограммаси келтирилган, ордината ўқи бўйлаб вақт ўқи секундларда берилган, бу тўлқиннинг юқорига ёки пастга ҳаракат қилиш вақти. Горизонтал чизиқ бўйлаб эса нуқтанинг қўзғалиш масофалар келтирилган. Ушбу сейсмограммалар қайта ишловчиларга берилади, улар материалнинг сифатини яхшилаш учун қайта ишлашади, натижада ўнг томонда кўрсатилгандек сейсмик кесим олинади. Бу ерда тўлқинларнинг фазали ўқлари деб номланадиган ўқини кузатиш мумкин ва ушбу тўлқинларни геофизик интерпретатор ёрдамида геологик қатламлар ёки геологик чегаралар эканлигини аниқласа бўлади.

ХУЛОСА

«Интеграл геометриянинг параболалар ва синиқ чизиқлар оилаларидаги масалаларнинг моделлари ва алгоритмлари ва уларнинг геофизикада қўлланилиши» мавзусидаги диссертация тадқиқотининг натижалари асосида қуйидаги асосий хулосалар олинди:

1. Тўғри бурчакли соҳада қисм-ўзгармас вазн функцияли синиқ чизиқлар оиласидаги интеграл геометрия масаласи ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги ҳақида теоремалар исботланди.

2. Ўнг томон функцияси орқали Соболев фазосида кучсиз корректмас масаланинг ечими турғунлиги баҳоланди.

3. Параболалар оиласи бўйича интеграл маълумотлар бўйича функцияни тиклаш жараёнининг математик модели шакллантирилди. Ягоналик теоремалари исботланди ва силлиқ чекли функциялар синфида қурилаётган

интеграл геометрия масаласини ечиш учун Фурье образининг аниқ формуласи олинди. А.Н.Тихоновнинг корректмас қўйилган масалаларни регуляризациялаш методи асосида масалани аниқ ечиш учун тақрибий ечимлар кетма-кетлиги тузилган.

4. Тихонов регуляризацияси усули асосида шовқинли интеграл маълумотга эга объектларнинг ички тузилмаларини тиклаш учун сонли алгоритм қурилди.

5. Синиқ чизиклар ва параболалар оилалари бўйича интеграл характеристикалар ёрдамида сейсмик маълумотларни қайта ишлашнинг математик моделларини ҳисоблаш учун дастурий таъминот ишлаб чиқилди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НУКУССКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО УНИВЕРСИТЕТА
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

СЕИДУЛЛАЕВ АБАТ КАМАЛОВИЧ

МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ РЕШЕНИЯ ЗАДАЧ ИНТЕГРАЛЬНОЙ ГЕОМЕТРИИ НА СЕМЕЙСТВАХ ПАРАБОЛ И ЛОМАНЫХ И ИХ ПРИЛОЖЕНИЯ В ГЕОФИЗИКЕ

05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ (физико-математические науки)

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по
ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.2.PhD/FM741.

Диссертация выполнена в Нукусском филиале Ташкентского университета информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http://ik-fizmat.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Утеулиев Ниетбай Утеулиевич** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Бегматов Акрам Хасанович** доктор физико-математических наук, профессор
	Нормуродов Чори Бегалиевич доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	**Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится 3. 12. 2022 в 15^{30} на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № 143). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан 21 ноября 2022 года.
(протокол рассылки № 12 от 25 . октября 2022 года).

М. М. Арипов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

З. Р. Рахмонов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

Б. Ф. Абдурахимов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научно-прикладные исследования, ведущиеся в мире, в большинстве случаев сводятся к задачам интегральной геометрии математического моделирования. Задачи интегральной геометрии являются одним из интенсивно развивающихся разделов обратных задач, и их чрезвычайно высокая прикладная важность обосновывает актуальность их исследования. Такие задачи связаны с самыми разнообразными прикладными проблемами и имеют многочисленные приложения при исследовании математических основ задач сейсморазведки, интерпретации данных геофизических и аэрокосмических наблюдений, при решении обратных задач астрофизики и гидроакустики. Поэтому создание на основе сейсмических данных алгоритмов и комплекса прикладных программ восстановления подповерхностных слоев в семействе специальных кривых остается одной из актуальных задач прикладной математики.

В настоящее время в мире широко изучаются различные прикладные задачи, при решении которых большое значение имеет восстановление подземных слоев в виде изображений. В частности, изучение задач интегральной геометрии является классической проблемой математической физики и анализа, активно исследуемая и развивающееся в настоящее время по нескольким основным направлениям. Поэтому актуальной является разработка устойчивых алгоритмов для восстановления изображения подповерхностных слоев на основе интегральных данных, а также создания соответствующего комплекса программ, ориентированного на широкий круг пользователей, имеющего удобный интерфейс.

В нашей стране большое внимание уделяется таким актуальным направлениям исследований, как разработка численных и аналитических методов решения задач в области математической физики, геологии, компьютерной томографии и геофизике, которые имеют различные научные и практические приложения фундаментальных наук. В частности, получены весомые результаты в сфере управления процессами восстановления внутренних структур объектов в виде изображений на основе их интегральных характеристик с учетом методов анализа Фурье и вычислительной математики, исследования задач интегральной геометрии, используемые в областях геофизики. Проведение научных исследований на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям «Функциональный анализ, алгебра, дифферен-циальные уравнения, математическая физика, математическое моделирова-ние, вычислительная и дискретная математика, теория вероятностей и математическая статистика» является одной из основных задач в деятельности Института математики имени В.И.Романовского АН РУз[1]. Для обеспечения реализации этого решения важно развитие теории математического моделирования на основе

---

[1] Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП–4708 «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики» от 07 мая 2020 года.

методов интегральной геометрии при восстановлении внутренних структур объекта.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», №ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», №ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», №ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. Методы интегральной геометрии являются одним из основных инструментов исследования преобразований функций, дифференциальных форм, тензоров и других объектов, заданных на многообразии, ставящие им в соответствие наборы их интегралов вдоль подмногообразий из некоторого семейства подмногообразий. Такое понимание интегральной геометрии сформировалось в работах И. М. Гельфанда и его школы, а также С. Хельгасона. Это отличается от понимания интегральной геометрии в смысле геометрической теории вероятностей. В работах И. М. Гельфанда, С. Г. Гиндикина, М. И. Граева, Н. Я. Виленкина, Г. М. Хенкина и других авторов изучены классификация Радона и ее аналоги в вещественных, комплексных, проективных пространствах и пространствах постоянной кривизны, дифференциальные классификации форм для p-мерных плоскостей и представлены их приложения в этих областях.

